

МАКТАБ БОШҚАРУВИДА РАҚОБАТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ
“ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ” УСТУВОР
ЙЎНАЛИШИДА ЗАРУР ВАЗИФАЛАРНИ КИРИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ботиров Хамид Хакимович

Doctor of Philosophy in law (PhD)

*А.Авлоний номидаги педагогларнинг касбий
ривожлантириши ва янги методикаларга*

*ўргатиши миллий-тадқиқот институти
100095, Тошкент шаҳар, Зиё кўчаси 6-уй*

[*hamidbotirov@inbox.ru*](mailto:hamidbotirov@inbox.ru)

Аннотация: мактаб бошқарувида рақобат стратегиясини ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш устувор йўналишини зарур вазифаларни белгилаш юзасидан илмий-назарий таҳлиллар олиб борилган. Бунда ҳар бир вазифа доирасида амалга ошириш лозим бўлган масалалар аниқлаб олинган.

Калит сўзлар: рақобат стратегияси, устувор йўналишлар, ўқув натижалар, ўқувчилар билим даражаси.

Аннотация: проведен научно-теоретический анализ с целью определения необходимых обязанностей приоритетного направления повышения уровня знаний учащихся при разработке конкурентной стратегии в администрации школы. При этом были определены вопросы, которые должны быть реализованы в рамках каждой задачи.

Ключевые слова: конкурентная стратегия, приоритеты, образовательные результаты, уровень знаний студентов.

Abstract: a scientific and theoretical analysis was carried out in order to determine the necessary responsibilities of the priority direction of increasing the level of knowledge of students in the development of a competitive strategy in the school administration. At the same time, issues were identified that should be implemented within the framework of each task.

Key words: competitive strategy, priorities, educational results, students' level of knowledge.

International Conference on Education and Innovation

Кириш. Устувор йўналишлар рақобат стратегиясининг асосий концепциясини ташкил этади, уларнинг ҳар бири тизимли равишда мақсадлар ва вазифалар, амалга ошириш механизмлари, амалга ошириш шакли, муддати, масъул ижрочилар, иборат бўлиши лозим. Ҳар бир устувор йўналишда мақсад ва вазифалар аниқ белгиланади ва уларни амалга ошириш механизмларини эса босқичма-босқич бажарилиши ҳамда амалга ошириш шаклида ҳам чоратадбирларнинг турлари кўрсатилади. Шу жараёнда ҳар бир устувор йўналишнинг бажарилиши белгиланган муддатларда масъул ижрочилари томонидан таъминланади ва мактаб директори томонидан назорат қилиб борилади.

Айнан бошқарув стратегиясини амалга ошириш мактабларнинг рақобат кураши учун вазифаларни белгилайди. Мактабларнинг рақобат курашининг белгиланган стратегик йўналишлари – долзарб вазифаларни қамраб олади. Вазифалар - мақсадга эришишга хизмат қиладиган стратегия доирасидаги ҳаракатлардир.

Тадқиқот методологияси. Устувор йўналиш сифатида ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш белгиланади. Мазкур устувор йўналиш қуйидаги вазифаларни ташкил топади:

биринчи вазифа, ўқувчилар билим даражасининг аниқлаш мақсадида ички ва ташқи мониторингни ташкил этиш;

иккинчи вазифа, ўқувчилар билим даражасига холис баҳо беришни таъминлаш мақсадида бошқа педагоглари ва мутахассисларни жалб этиш;

учинчи вазифа, таълим сифатини таъминлашда “саралаш” тамойилини қўллаш, бунда иқтидорли ўқувчилар синфларини ташкил этиш;

тўртинчи вазифа, “ихтисослаштириш” тамойилини қўллаш, бунда ўқувчиларнинг қизиқиш ва билимдан келиб чиқиб, синфларни ихтисослаштириш;

бешинчи вазифа, ўқувчиларнинг билим даражаси, талаб ва истакларидан келиб чиқиб, “қўшимча таълим”ни ташкил этиш.

Таҳлил ва натижалар.

Биринчи вазифа: *Ўқувчилар билим даражасини аниқлаш мақсадида ички ва ташқи мониторингни ташкил этиш.*

Ўқувчилар билим даражасининг рақобатбардошлигини аниқлаш ва уларнинг билимини ички ва ташқи мониторингдан ўтказиш учун зарур ресурслар талаб этилади. Бу борада ўқувчилар билим даражасини текшириш учун баҳолаш воситалари ишлаб чиқилади. Баҳолаш воситалари турли тест шаклари, саволлар банки, казус ва кейслардан иборат бўлиши мумкин. Айна шу баҳолаш воситалари орқали ички мониторинг ўтказилади. Бунинг учун ҳар бир фан миллий ўқув дастурига мувофиқ баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиши зарур.

Шунингдек ўқувчилар билим даражасини мониторингдан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва уни заруратдан келиб чиқиб доимий равишда такомиллаштириб бориш керак. Педагоглар ва ўқувчиларни ички мониторингга нисбатан мунтазам масъулиятини ошириб бориш ва ички мониторингга иштироки учун уларга мотивация бериш лозим. Педагоглар учун мотивация бу моддий рағбатлантириш ёки эътироф шаклида, ўқувчилар учун эса мактаб миқёсида уларнинг рейтингини белгилаш ҳамда ота-онасига ташаккурнома шаклида берилиши мумкин.

Ташқи мониторингга рейтингни паст мактаблар рейтинг юқори мактаб педагогларни ёки бошқа малакали мутахассисларни ўқувчилар билимини баҳолашга жалб этиш зарур. Демак, бундай вазиятда ўқувчилар билимини баҳолашда мактабдаги ресурслардан фойдаланилмайди, балки ташқаридан жалб этилган педагоглар ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш воситалари орқали ўқувчилар билими текширилади. Одатда ўқувчилар билим даражасини ташқи мониторингдан ўтказиш бошқа мактаблар билан ҳамқорлик келишувлар асосида амалга оширилади.

Юқоридаги икки жараёнда ички ва ташқи мониторингнинг натижалари қиёсий таҳлил этилади ҳамда таҳлил натижалари асосида кўрсаткичларга қараб

Ўқув жараёнини такомиллаштириш борасида ҳар бир фан, синф, педагог ва ўқувчи билан ишлаш бўйича индивидуал амалий вазифлар белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги тартибга кўра таълим сифати битирувчиларнинг олий ўқув юртига ўқишга кириши ва уларнинг тайёргарлик даражаси билан баҳоланмоқда. Ваҳоланки мазкур ёндашув таълим сифатини таъминлашнинг бир қисми ҳисобланади. Чунки асосий эътибор битирувчи ўқувчиларга қаратилади. Қолган 1-9-синф ўқувчиларнинг билим даражаси мониторингдан ўтказилмайди ва натижада таълим сифатини аниқлашга тўлиқ ёндашилмайди. Таълимда сифат самарадорлиги бу барча ўқувчининг билим даражаси билан аниқланиши керак. Шундагина барча ўқувчиларнинг билимига ва таълим сифатига баҳо бериш мумкин.

Иккинчи вазифа: *Ўқувчилар билим даражасига ҳолис баҳо беришни таъминлаш мақсадида бошқа педагогларини ва мутахассисларни жалб этиш.*

Таълим сифатига ҳолис баҳо бериш учун ўқувчиларнинг билим даражаси уларга дарс берган педагог билан эмас балки, бошқа педагогнинг жалб этган ҳолда аниқланади. Шундагина педагогнинг касбий маҳоратига ва педагог фаолиятига баҳо берилади. Бу эса педагогнинг ўз устида ишлаши, ўқувчилар билимини янада ривожлантиришга масъулиятини оширишга ундайди.

Аксарият ҳолларда мактаб директорларига ушбу жараённи ташкил этишга тажриба етишмайди. Мазкур амалиётни йўлга қўйиш учун нуфузли ёки рейтингда юқори натижаларга эришган мактаблар билан ҳамкорлик ишларини амалга оширилади. Ҳамкорлик келишувларида малакали педагогларни ўқув жараёнига ёки баҳолаш воситаларини ишлаб чиқишга ҳамда ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолашга жалб этиш масалаларини назарда тутилиши лозим. Бу мактаблар ўртасида ўзаро тажрибаларни алмашилишига ва интеграциясини ривожланишига хизмат қилади.

Учинчи вазифа: *Таълим сифатини таъминлашда “саралаш” тамойилини қўллаш, бунда иқтидорли ўқувчилар синфларини ташкил этиш.*

International Conference on Education and Innovation

Мазкур тамойил асосида мактаб директорининг мавжуд ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, уларнинг билим даражасини аниқлаган ҳолда улар учун алоҳида фан дастурлари ишлаб чиқилади. Бунда юқори натижаларни кўрсатган ўқувчилар учун алоҳида ўқув дастурлари билан ва паст натижаларни кўрсатган ўқувчилар учун эса алоҳида фан дастурлари асосида ўқув жараёни такшил этилади.

Саралаш тамойили асосида ўқувчиларни “паст” “ўрта” ва “юқори” билими даражасига кўра филтирлаш ва синфларга бўлиш мақсадга мувофиқ. Синфларга бўлиш уларни рақобатбардошлиги таъминлашга олиб келади. Бундай вазиятда саралашнинг аниқ босқичларини белгилаб олиш керак. Биринчи босқич ташқи мониторинг асосида ўқувчиларни билимини аниқлаш, иккинчи босқичда турли хил психологик ва касбий мойилигини тестлардан ўтказиш. Икки босқич натижаси асосида ўқувчиларни натижаларига кўра юқоридан пастга қараб, одатда ўқувчиларни 7 синфдан бошлаб “юқори”, “ўрта” ва “паст” даражали синфларга бўлиш мақсадга мувофиқ.

Бу эса ўқувчиларни ўз устида ишлаши, билимини ошириб бориши ундайдиган механизм ҳисобланади. “Паст” ва “ўрта” синфлардаги ўқувчиларга ўзининг нуфузини ошириш мақсадида “юқори” синфларга ўтишга интилиш пайдо бўлади. Мазкур жараёнлар бевосита ўқувлар ўртаси соғлом рақобат муҳитини шаклланишига хизмат қилади.

Мазкур тамойил билан мактаблар таълим сифатини “қобилиятли” ўқувчилар сонини кўпайтириш билан оширадilar. Бу асосан хусусий таълим муассасаларига, шунингдек энг яхши мактабларга хосдир. Ушбу тамойил нафақат амалдаги қобилиятли ўқувчиларни саралаб олиш, балки бошқа мактаблардан “қобилиятли” ўқувчиларни жалб қилишдан иборат. Мактаблар қобилиятли ўқувчилар билан ўз таълим натижаларини ва ютуқларини оширишга эришади. Натижада, танлов нафақат ўқувчиларнинг салоҳиятли контингенти учун, балки ҳақиқий бошқа “қобилиятли” ўқувчилар учун ҳам амалга

оширилади. Бу эса мактаблар ўртасида “қобилиятли” ўқувчилар учун интенсив рақобат курашини таъминлайди.

Тўртинчи вазифа: *“Ихтисослаштириш” тамойилини қўллаш, бунда ўқувчиларнинг қизиқиши ва билимдан келиб чиқиб, синфларни ихтисослаштириш.*

Мактабда 7-синфдан бошлаб, ўқувчиларни қизиқишига қараб алоҳида фанларни чуқур ўргатадиган синфларни ташкил этиш зарур. Бундай синфлар хорижий тилларига, аниқ ва табиий фанларга ёки гуманитар фанларга чуқур ўргатиш ва бошқаларга бўлиши мумкин.

Синфлар ихтисослаштириш ўқувчилар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиради ва уларни касбга йўналтиришга ва келажақда улар учун аниқ олий таълим йўналишларини танлашга замин яратади. Бу эса қуйидаги натижаларни беради:

ўқувчилар олий таълим муассасасига тайёргарли 7-синфдан бошлаб йўлга қўйилади ва уларни касбга йўналтиришнинг аниқ ҳамда тўғри мақсадлари шаклланади;

мактаб фан дастурлари билан олий таълим дастурларининг ўзаро узлуксизлиги (интеграцияси) тўғри йўлга қўйилади;

олий таълим муассасалари учун талабалар контингенти тўғрисида аниқ кўрсаткичлар шаклланишига ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида мактаб давридан бошлаб ўқувчиларни ўзига жалб этиш юзасидан рақобатнинг ривожланишига хизмат қилади.

Мазкур вазифа доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

ихтисослашган синфлар учун алоҳида вариатив ўқув режалар ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилади;

синфларни ихтисосликларга ажратиш учун дастлабки ўринда жами ўқувчиларнинг билим даражаси текширилади, шунингдек психолог ва фан ўқитувчиларининг суҳбатлари ҳамда уларнинг қобилиятлари, истаклари ўрганилади;

International Conference on Education and Innovation

ихтисосликларга ажратилган синфлар ҳам тегишли равишда ўқувчиларни билим даражасига қараб юқори, ўрта, паст синфларга ажратилади;

ҳар чорақда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш натижасига қараб, ўқувчилар пастдан юқorigа ёки юқоридан ўртага ёки пастги синфларга ўтказилади;

юқори, ўрта, паст синфларда ўқиш мумкин бўлган ўқувчиларни билимларини баҳолашнинг алоҳида мезонлари ишлаб чиқилади;

педагоглар эса фан йўналишлари асосида секцияларга бўлинади ва улар томонидан ихтисослик синфларга мос материаллар базаси ишлаб чиқилади;

ўқув йили якунида ҳар бир ихтисослашган синфларнинг умумий ўзлаштириш натижалари мониторинг ва таҳлил қилинади;

таҳлил натижалари асосида тажрибани оммалаштириш ёки хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифлар белгиланади.

Шу билан бирга ўқувчиларнинг касбга йўналтириш мотивациясини янада ошириш мақсадида нуфузли ва профессионал мутахассисларни, тадбиркорларни ёки сиёсат вакилларини ўқув жараёнига жалб қилган ҳолда мастер класслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчи вазифа: *Ўқувчиларнинг билим даражаси, талаб ва истакларидан келиб чиқиб, “қўшимча таълим”ни ташкил этиш.*

Таълимда рўй бераётган ислохотлар шароитида қўшимча таълимга ҳам янги талаблар қўйилмоқда. Қўшимча таълимни ривожлантириш борасида бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан “қўшимча таълим” давлат таълим стандартидан ташқарида бўлган барча таълимни қамраб олади.

Мактабларда ташкил этиладиган қўшимча таълим беришга қаратилган пуллик таълим хизматлари мактабларнинг ўқув дастурларида назарда тутилмаган (давлат таълим стандартларидан ташқари) машғулотлар бўйича мактаб директори ва ўқувчиларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида тузиладиган шартнома асосида кўрсатилади[1.].

International Conference on Education and Innovation

Кўшимча таълимнинг мақсади болаларнинг мактабда ўқиш жараёнида ўзлаштириш олмаган когнитив, коммуникатив эҳтиёжларини қоплашдир. Кўшимча таълим куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

биринчидан, кўшимча таълим ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишини ва мойиллигини оширади;

иккинчидан, кўшимча таълим ташкил этиш ва уни натижаси орқали мактаб ўзининг функционал мажбуриятини тулиқ ва сифатли бажаришни таъминлайди ва ўқувчилар, ота-оналарнинг талаб ва истагини қондиради;

учинчидан, кўшимча таълимнинг сифатига жамоатчилик, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар томонидан баҳо берилади.

Шу сабабли, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни болалар учун кўшимча таълим бошқа кўшимча таълим хизматларини кўрсатадиган мактаблар билан рақобатда қатнашадиган таълим хизматлари бозорининг субъектларига айланишига ёрдам беради.

Кўшимча таълим мактаб ўқув дастурини яхшироқ ўзлаштириш ва ўқув режаларининг ўзгарувчанлигини таъминлашга, ўқувчиларнинг асосий фанлар бўйича билимларини оширишга, ўқувчиларининг ўқув ва тадқиқот фаолиятини рағбатлантиришга, ўрганиш мотивациясини оширишга, мактаб жамоасини бирлаштириш, мустаҳкамлаш ва унинг нуфузини шакллантиришга, ўқувчиларини касбга йўналтиришга хизмат қилади.

Мактабларнинг кўшимча таълим бўйича ўзаро ёрдами ва бир-биридан фойдаланиш истаги бир вақтнинг ўзида ҳамкорлик алоқаларида кузатилади. Манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги уларнинг ўзаро рақобати билан тўлдирилади. Бу нафақат кўшимча таълимни, балки асосий ҳамкорлик ва рақобат соҳаларида ҳам зарур касбий компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар. Устувор йўналишлар рақобат стратегиясининг табиати билан белгиланади ва рақобат курашини белгилаб беради. Рақобат стратегиясидаги ўқувчиларнинг таълим сифати даражасини ошириш устувор

йўналиши доирасида ўқувчилар билим даражасининг аниқлаш мақсадида ички ва ташқи мониторингни ташкил этиш; ўқувчилар билим даражасига холис баҳо беришни таъминлаш мақсадида бошқа педагоглари ва мутахассисларни жалб этиш; таълим сифатини таъминлашда “саралаш” тамойилини қўллаш, бунда иқтидорли ўқувчилар синфларини ташкил этиш; “ихтисослаштириш” тамойилини қўллаш, бунда ўқувчиларнинг қизиқиш ва билимдан келиб чиқиб, синфларни ихтисослаштириш; ўқувчиларнинг билим даражаси, талаб ва истакларидан келиб чиқиб, “қўшимча таълим”ни ташкил этиш каби вазифларни амалга ошириш билан мактабнинг таълимда етакчилигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида низомнинг 2-банди.

